


Ўзбекистон Президенти Жиддага жўнаб кетди



Икки муқаддас масжид ходими – Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг тақлифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 июль куни амалий ташриф билан ушбу мамлакатга жўнаб кетди.

Ташриф дастурига мувофиқ, давлатимиз раҳбари Жидда шаҳрида “Марказий Осиё – Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгashi” форматидаги биринчи саммитда иштирок этади ва нутқ сўзлайди.

Тадбир доирасида қатор икки томонлама учрашув ва музокаралар ўтказилиши ҳам кўзда тутилган.



O'zbekiston Respublikasi Prezidentining
MATBUOT XIZMATI

Манба